



# MILLIY TIKLANISH

2 (374) ● 2016 йил 13 январь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

**“Электрон ҳукумат тўғрисида”ги қонун партиянинг ахборот соҳасидаги мақсад-вазифалари ижросида муҳим ўрин тутди**

**Қорақалпоғистонда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси аъзоларининг қарийб ярмини хотин-қизлар ташкил этади**

**Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи ўтган йилда 90 дан зиёд депутатлик сўровини амалга оширди**

**Қонун кучга кирди**

## Ветеринария муносабатлари

янги тахрирдаги қонун билан тартибга солинади

Президентимиз 2015 йилнинг 23 январида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида парламент олдига қонуларни янада мукамал, халқчил ишлаб чиқиш, ҳар бир соҳага оид муносабатларни чуқур ўрганиб, қонуларда акс эттириш, аҳоли манфаатларининг қонуний ҳимоясини таъминлаш каби аниқ вазифаларни белгилаб берган эди. Қонунчилик палатасида ушбу дастуриамал вазифалардан келиб чиқиб, ўтган йил давомида бир қатор қонулар инвентаризациядан ўтказилди. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида қабул қилинган амалдаги қонулар ўрганилиб, уларни замон ва юридик-техник талабларга мослаштириш мақсадида қатор тақлифлар ишлаб чиқилди. Шу билан бирга, амалдаги айрим қонуларнинг янги тахрири тайёрланиб, қабул қилинди.

Жумладан, 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган “Ветеринария тўғрисида”ги қонуннинг янги тахрири Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Қонунчилик палатасига киритилди. Мазкур қонун лойиҳасини маромига етказиш жараёнида Қонунчилик палатаси депутатлари, эксперт ва мутахассислардан иборат ишчи гуруҳи тузилиб, қатор тақлиф-мулоҳазалар олинди, соҳа вакиллари фикрлари ўрганилди, қизгин муҳокамалардан сўнг парламент томонидан қабул қилиниб, яқинда кучга кирди.

Янги тахрирдаги “Ветеринария тўғрисида”ги қонун умумий касалликлардан аҳолини ҳимоялаш, бошқа давлатлардан ҳайвонларнинг юқумли касалликлари кириб келишидан республика ҳудудини муҳофаза қилиш, ягона давлат ветеринария назоратини амалга ошириш ҳамда ветеринария-санитария муаммоларини ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади.

> 4-бет.

**14 январь — Ватан ҳимоячилари куни**



## Ватан ҳимоячилари — миллат гурури

*Тинчлик-осойишталик ҳукм сураётган, барқарорлик ва фаровонлик қарор топган Ватан ҳар бир инсон учун энг улғу неъматдир. Ватан хавфсизлиги ва барқарорлигини эса ихчам, тезкор ва ҳар томонлама замонавий тайёр-гарликка эга Қуролли Кучларсиз таъминлаб бўлмайди.*

Миллий армиямиз сафларида хизмат қилиш — шарафли иш. Аскарлик — баркамоллик белгиси. Бугун ўғлонларимизнинг ҳарбий хизматга, бошқача айтганда, эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталиги, осмонимиз мусаффолиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга бўлган қизиқиш ва интилиши кучайди. Миллий армиямиз ёшларнинг иро-

дасини тоблайдиган, уларни ўз Ватани ва халқига садоқат руҳида тарбиялайдиган жасорат ва матонат мактабига айланди. Пойтахтимиздаги “Ватанга қасамёд” монументида азамат ўғлон давлатимиз байроғини кўзига тўтиё қилиб, Ватан ҳимояси учун тайёрман, деб тиз чўкиб қасамёд қилаётгани ифода этилган. Ушбу монумент Ватан ҳимоячиларининг жасорати ва шон-шарафининг ёрқин тимсоли, халқимизнинг уларга бўлган ҳурмати ва меҳр-муҳаббати ифодасидир.

Зеро, Ватанни ҳимоя қилиш — нуфузли ва шарафли иш, олий саодат ва, албатта, конституциявий бурчдир.

> 2-бет.

**Ушбу сонда:**

**Ёғоч ўймакорлиги анъаналари**  
янги авлод томонидан янгича шакл ва услубда бойитилмоқда



> 6-бет.

**Тўғри овқатланиш — саломатлик ОМИЛИ**

ёхуд тез тайёрланадиган таомнинг биз билган ва билмаган хусусиятлари



> 7-бет.

**Сайғоқлар — болажонлар нигоҳида**

“Чўл эртаги-2” экологик мультфильмининг тақдими бўлиб ўтди



> 8-бет.

**Миллий гурур**

## “Ватанимизнинг янги тараққиёт марраларига

муносиб ҳисса қўшиш фарзандлик бурчимиздир”



Мамлакатимизда навқирон авлоднинг ҳеч қимдан кам бўлмай улғайиши, ёшларнинг ташаббус ва гояларини қўллаб-қувватлаш, истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқариши учун барча шароит ва имкониятлар яратилмоқда.

Зеро, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта ўзлаштирган, дунёқараши кенг ва мустақил фикрлайдиган юксак интеллектуал авлодни тарбиялаш Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишидир. Бу жараёнда фан ва технологиялар модернизацияси бўйича амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш, юрт тараққиётининг ҳар бир жабҳасида ёшларнинг иқтисодий, илмий салоҳияти ва шижоатидан унумли фойдаланиш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

> 6-бет.

**Интервью**

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантириш, иқтидорли спортчиларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга зарур шароит ва имконият яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани Ватанимиз доврўғини халқаро майдонда кенг намойиш этишга хизмат қилмоқда. Бу жараёнда, айниқса, миллионлар ўйини бўлган футболни юртимизда янада оммалаштириш, маҳоратли футболчиларни тарбиялаш борасидаги кенг қамровли ислохотлар ўзининг юксак самарасини бермоқда.

## Юксак мукофот — янги марраларга чорлайди

Футбол бўйича болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, ихтисослашган мактаб-интернатлари ва футбол академиялари фаолият кўрсатмоқда, жаҳон талабларига жавоб берадиган замонавий футбол стадионлари барпо этилмоқда, мавжудлари қайта реконструкция қилинаётди. Етук футболчиларни тарбиялаш, малакали мураббий ва ҳакамлар тайёрлашни янада кучайтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан жисмонан соғлом, маънан етук, халқаро майдонларда Ватанимиз шон-шухратини улуглашга қодир спортчилар етишиб чиқаётди.

Ўзбекистон футбол федерациясининг халқаро тоифадаги ҳақами, ФИФА рефереси, Осиёнинг беш карра энг яхши ҳақами, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси аъзоси Равшан Эрматов бугун ўзбек футболнинг чин маънода фахрифтхорига айланган. У нафақат Осиё, балки дунёнинг биринчи рақамли футбол ҳақами сифатида эътироф этилмоқда.

> 8-бет.

**Сана**

## Ватанга хизмат — бурч ва шараф

Юртимизда ҳукм сураётган тинч ва осойишта ҳаёт замирида миллатлараро ҳамжиҳатликни сақлаш, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, узоқ ва яқин атрофимиздаги давлатлар билан дўстона, ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдек кенг қамровли, оқилона сиёсат мужассам. Президентимиз раҳнамолигида юртимизда эркин ва фаровон ҳаёт қуриш, миллий давлатчилигимизни мустаҳкамлаш, уни юксак жаҳон андозаларига мос даражага олиб чиқиш учун барча зарур шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Бундай галмхўрлик ва эътибор, ўз навбатида, ҳар бир соҳа вакилидан ўз бурчини астойдил адо этиш, миллий манфаатларимизнинг том маънодаги ҳимоячисига айланишни талаб этади.

Бугун жаҳонда барча соҳада кечаётган мураккаб вазият шароитида давлат суверенитетини ҳимоя қилиш, элда тинчлик ва осойишталикни кўриқлаш нақадар масъулиятли эканини англаш қийин эмас. Зеро, дунёнинг айрим минтақа ва ҳудудларида нотинч вазият юзага келган таҳликали бир пайтда доимо огоҳ, сергак ва хушёр бўлиб яшаш, сафарбарликни янада ошириш — бугун барчамиз учун энг муҳим ва долзарб вазифага айланган.

Мустақилликнинг дастлабки кунларида Юртбошимиз “Атрофимиздаги нотинч дунёда дўстларимиз бор, лекин Ўзбекистонни ўз таъсир доирасига киритишни хоҳлайдиганлар ҳам йўқ эмас. Бунинг учун улар барча найранглардан, қолаверса, ҳарбий кучдан ҳам фойдаланишлари мумкин.

> 6-бет.

**“Milliy tiklanish” газетасига обуна бўлинг!**

Нашр кўрсаткичи = 158



www.milliytiklanish.uz  
сайтида ҳам ўқинг!













